

Садафзал САИДЖАЛОЛОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра катта ўқитувчиси
saidafzal@mail.ru

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИ ТАСНИФИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО КЛАССИФИКАЦИИ ТРУДОВ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ

ANALYSIS OF STUDIES ON THE CLASSIFICATION OF WORKS BY MAHMOUD ZAMAKHSHARI

Аннотация. Маҳмуд Замахшарий асарлари дунё фондлари, кутубхона ва музейлари бўйлаб ёйилган. Асрлар давомида Замахшарий меросини тўлиқ қамраб олиш мураккаб бўлган. Шу сабаб, турли минтақаларда ва турли даврларда фаолият олиб борган замахшарийшуносларнинг аллома меросига ёндашувлари ҳам фарқ қилган. Мақолада Маҳмуд Замахшарий асарларининг нашири, қўлёзмалари ва фақат номигина зикр этилганлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Замахшарий, мерос, асар, қўлёзма, босма, тилишунослик, лугатишунослик, адабиёт.

Аннотация. Труды Махмуда Замахшари широко распространены во всех мировых фондах, библиотеках и музеях. На протяжении веков было трудно полностью охватить наследие Замахшари. По этой причине подходы современных ученых, работающих в разных регионах и в разное время, к наследию ученого также различались. В статье анализируются сведения об изданиях, рукописях и названиях произведений Махмуда Замахшари.

Ключевые слова: Замахшари, наследие, произведение, рукопись, печатное, языкознание, лексикография, литература.

Annotation. The works of Mahmoud Zamakhshari are widely distributed throughout the world funds, libraries and museums. It has been impossible for centuries to fully embrace Zamakhshari's legacy. For this reason, the approaches to the heritage of the scientist of modern scientists who worked in different regions and at different times also differed. The article analyzes information about editions, manuscripts and titles of works by Mahmud Zamakhshari.

Keywords: Zamakhshari, heritage, work, manuscript, printed, linguistics, lexicography, literature.

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарий комусий аллома, фаннинг турли соҳалари бўйича беназир асарлар муаллифидир. Замахшарий илмий фаолиятининг серкирралиги сабаб, асрлар давомида унинг асарлари дунё олимлари нигоҳида бўлиб келган. Китоблари қўлёзмалари жаҳоннинг турли кутубхоналари, қўлёзма фондлари бўйлаб ёйилиб кетган. Аллома умрининг асосий қисми илмий сафарларда ўтган ва айти пайтда ҳам унинг асарларини ўрганиш хориж бўйлаб илмий сафарлар уюштиришни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнда ПҚ-3074 қарорига мувофиқ, қадимий қўлёзмалар, санъат асарлари, осори- атикаларни сақлаш, уларни илмий тадқиқ этиш, юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишлари янги босқичга кўтариш мақсадида “Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази” ташкил этилди. Айти пайтда марказ саъй-ҳаракатлари билан дунё фондларида сақланаётган китоблар, алломаларимизнинг беназир асарлари юртимизга қайтарилмоқда.

Маҳмуд Замахшарий мероси дунё бўйлаб ёйилгани сабаб, унинг барча асарларини қамраб олиш асрлар давомида мураккаб бўлиб келган. Аллома яшаган даврдан қарийб 10 аср ўтибди, унинг асарлари рўйхати хануз охирига етгани йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қози Ибн Халликон Маҳмуд Замахшарий ва унинг асарлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв ва баён илмида йирик имом эди. Ўз даврида турли фанлардан таълим олиш учун унинг хузурига толиби илмлар бориб турадиган замона пешвоси эди. У грамматикани Абу Мудар Мансурдан ўрганди ва у бўйича ажойиб асарлар тасниф этди”, дея 28 асари ҳақида маълумот берган. [1:68]. Истанбулда чоп этилган Ислом энциклопедиясида Замахшарийнинг 54 асари ҳақида маълумотлар мавжуд [2: 235-238].

Тарих фанлари доктори У.Уватов Замахшарийнинг “Нозик иборалар” асарини таржима қилди. Асар муқаддимасида олим

Маҳмуд Замахшарийнинг 50дан ортик асарларини келтиради ва улардан 34 тасини шарҳлайди. [3:23-46]. Байрутда нашр этилган Замахшарийнинг “Асосул-балоға” асарининг муқаддима қисмида ношир Муҳаммад Босил Уюн ас-Суд олимнинг 65та асарининг номини санаб ўтган.

Замахшарий асарлари ҳақида маълумотлар берганлар унинг китоблари ва рисоалари ададини турлича қайд этганлар бўлсалар-да, бир масалада деярли барча замахшарийшунослар яқдил қарашдалар: “Алломанинг зикр этилмаган бошқа асарлари ҳам бор”.

Барча алломага мансублиги ва мавжудлигида барча замахшарийшунослар яқдил бўлган асарлар рўйхатини шакллантиришда Замахшарий ҳаёти ва фаолияти бўйича кўп мурожаат қилинадиган манбалар ва олимлар тадқиқотларига таянилади. Араб тилидаги манбаларга кўра замахшарийшуносликда муаррихлардан Ёқут Ҳамавий, Ибн Халликон, Ибн Қутлубуғо, Тошкўпризода, Исмоил Бағдодий асарларига мурожаат кўп. Замонавий тадқиқотчилардан Аҳмад Муҳаммад Хуфий, Фозил Солиҳ Сомрой, Баҳийжа Боқир Ҳасаний, Мустафо Совий Жувайний ва Камол Жабрий Амин Абҳарийларнинг Маҳмуд Замахшарий борасидаги олиб борган тадқиқотлар ва нашрлари муҳимдир. Зикр қилинган 10 муаррих ва муаллифлар асарлари ва қарашларига таянилган ҳолда аллома асарлари таснифланди.

Аллома асарлари борасидаги тадқиқотлар, фикр ва қарашларини жамлаган ҳолда унинг асарларини тўрт гуруҳга тасниф қилиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи. Маҳмуд Замахшарийнинг машҳур ва кўплаб манбалар, муаррихлар ва мутахассислар томонидан нақл қилинган асарлари. Уларнинг умумий сони 31 тани ташкил этди.

Иккинчи. Барча манбаларда бўлмаса-да, лекин уларнинг аксарида зикр қилинган аллома асарлари. Уларнинг умумий сони 18 тани ташкил этди.

Учинчи. Тарихий манбаларнинг айримларидагина зикр қилинган аллома асарлари. Уларнинг умумий сони 42 тани ташкил қилди.

Тўртинчи. Алломанинг тарихий манбаларда деярли зикр қилинмаган, лекин кейинги

тадқиқотларда Замахшарийга мансублиги асосланган асарлар. Улар ҳозирча иккитадир.

1992 йилда Ҳомид ал-Ҳаффоф томонидан нашрга тайёрланган “Кавсар сураси эъжози” асари ношир томонидан Замахшарийга мансуб асосланди. Мазкур асар нашр этилганига қадар замахшарийшуносликда номаълум эди.[4]

1996 йилда Иброҳим Жумҳур ал-Ғомидий Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб “Шарҳ ал-Фасиҳ” асарини нашр қилди. Мазкур нашр муаллифнинг докторлик диссертацияси монографияси бўлиб, унда замахшарийшуносликда номаълум асар тадқиқ қилинган. Иброҳим Ғомидий қайд этишича, турли манбаларда Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Фасиҳ” асарининг айрим жумлаларига ёзган изоҳи нақл қилинган. Лекин аллома асарлари рўйхатида “Ал-Фасиҳ китоби шарҳи” зикр қилинмаган. “Ал-Фасиҳ” китоби араб грамматикасига оид бўлиб, “Саълабнинг фасиҳи” номи билан танилган. Муаллифи ўз даврида грамматика, тилшунослик, фикр ва дин илмларида Куфаликлар имоми дея эътироф этилган Аҳмад ибн Яҳё Шайбонийдир (815-903). Иброҳим Ғомидий Замахшарийга мансуб дея тақдим қилган “Шарҳ ал-Фасиҳ” ягона қўлёзма асосида таҳқиқ ва тақдим қилинган. Мазкур қўлёзмада шарҳ муаллифи номи зикр қилинмаса-да, тадқиқотчи Ғомидий турли усуллар билан асарнинг Маҳмуд Замахшарийга мансуб эканини исботлайди ва бу таъкид Маккада Уммул-Қуро университети профессор-устозлари томонидан эътироф этилиб, шарҳ Маҳмуд Замахшарий номи билан нашр этилади. [5]

Замахшарийшуносликда аллома асарларига ёндашувда қуйидаги тасниф машҳурдир. Замахшарий ҳаёти ва мероси борасида изланиш олиб борган кўплаб тадқиқотчилар аллома меросини уч қисмга бўлганлар:

1. Матбуъ - чоп этилган.
2. Махтут - қўлёзмаси мавжуд.
3. Мафқуд - топилмаган асарлар.

Замахшарийшуносликнинг муҳим жиҳати мазкур тасниф кўп қўлланилгани ва таснифдаги асарларга ёндашув ва уларнинг адади мунтазам ўзгариб турганидир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1966 йилда таникли замахшарийшунос олим профессор Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфийнинг “Замахшарий”

номли йирик ва ҳозиргача мўътабар асарида алломанинг “Руусул-масаил” ва “Ал-минҳаж фил-усул” асарлари мафқуд – топилмаган асарлар рўйхатида зикр қилинган [6]. Муайян муддат ўтганидан “Руусул-масаил”нинг Честер Битида, “Ал-минҳаж” эса Берлинда сақланаётгани маълум бўлди. Мафқуд асарлар қаторидан махтут асарлар қаторига ўтди. 1987 йилда “Руусул-масаил” [7], 1997 йилда “Ал-Минҳаж” чоп этилди [8]. Айни пайтда бу икки асар Маҳмуд Замахшарий асарлар таснифининг Матбуъ, яъни чоп этилган асарлар қаторида. Аллома асарларининг тўлиқ рўйхати охирига етмагани ва айни пайтгача йўқолган деб ҳисобланган асарлари топилаётгани сабаб турли тадқиқотлардаги асарлар рўйхати бири-бирдан фарқ қилади.

Замахшарий меросида фикҳ, яъни ислом ҳуқуқига бағишланган асарлар мавжудлиги унинг мазкур соҳа тараққиётидаги ўрнини белгилаб беради. Аллома таълиф этган 94 асарнинг олтитаси фикҳ соҳасига тегишли ва улардан фақат “Руусул-масаил”гина бизгача етиб келган бўлиб, у исломдаги мазҳабларни ўрганиш борасида муҳим қўлланмадир. [9:8]

Ислом дини таълимотида асосий ақидавий масалалар юзасидан давом этган ғоявий баҳслар деярли якун топган, бунинг натижаси ўлароқ фикҳ илми илми тараққий топган даврда яшаган Маҳмуд Замахшарий, табиийки мазкур соҳага бағишланган асарлар таълиф этди. Маҳмуд Замахшарий (нафақат муфассир, тилшунос, адиб ва шоир, балки етук фақиҳ сифатида танилди.

Замахшарийнинг фикҳ, яъни ислом ҳуқуқи соҳаси бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларнинг илк босқичида алломанинг етук фақиҳ, етук ҳуқуқшунос экани борасидаги фикрларга айрим замондош мутахассислар томонидан эътироз билдирилган эди. Маҳмуд Замахшарийни асосан моҳир тилшунос, луғатшунос, тафсиршунос сифатида билардилар. Аммо йиллар давомида унинг фикҳий меросини ўрганиш аллома нафақат тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, тафсиршуносликнинг, балки шариат масалалари, ислом ҳуқуқига оид ибодат ва муомалот аҳкомларининг ҳам етук билимдони эканини кўрсатди.

Илк тадқиқотларда Замахшарийнинг ҳуқуқшунослик салоҳиятига замонамизгача

етиб келган биргина фикҳий асари - “Руусул-масаил” орқали баҳо берилган бўлса, кейинчалик, унинг бошқа асарларида ҳам ислом ҳуқуқи, ундаги мазҳаблар, мазҳаб асосчилари, турли мазҳаблар фақиҳларининг қарашларига муурожаат қилгани маълум бўлди.

Замахшарийшуносликда сўнгги йирик тадқиқотлардан бири профессор Камол Жабрий Абраҳийнинг 2014 йилда нашр этилган “Замахшарий: сийрати асарлари ва грамматикадаги йўналиши” номли китобдир. Мазкур тадқиқотнинг муҳим жиҳатлар кўп. Улардан эътиборлиси, муаллиф Маҳмуд Замахшарий асарлари тўлиқ рўйхатини шакллантиришга интилагандир. Китобда Замахшарийнинг муаллиф рақамлаши бўйича 84 асари рўйхати келтирилган. Муаллиф рақамлаши дейилишининг сабаби, рўйхатда 80 рақами икки марта такрорланишидир. Бундан Замахшарий асарларининг мазкур китобда зикр қилинган адади 85тага етиши келиб чиқади. Бу ҳолатни нашр ва техник масалалар билан боғлаш мумкин.

Абҳарий тузган рўйхат аввалгиларига нисбатан кенг қамровли ва таҳлилий. Шундай бўлса-да унинг тадқиқотини ҳам мукамал дея баҳолаш мушкул. Маҳмуд Замахшарийнинг айрим асарлари мазкур рўйхатга кирмаган. Сўнгги тадқиқотларга кўра, қуйида Маҳмуд Замахшарийнинг чоп этилган, қўлёзмаси мавжуд ва топилмаган асарлари тақдим этилади. [10]

Биринчи. Алломанинг йиллар давомида турли мамлакатлардаги нашриётларда китоб шаклида чоп этилган ёки илмий журналлар таркибида рисола сифатида тақдим этилган асарлари, яъни араб замахшарийшунослари тили билан ифода этганда матбуъ асарлари тақдим этилади.

Иккинчи. Маҳмуд Замахшарийнинг дунё китоб фондларида сақланаётган ва ўз тадқиқотчисини кутаётган қўлёзма асарлари ҳақидаги қуйида маълумот берилади.

Учинчи. Тарихий манба ва адабиётларда Маҳмуд Замахшарий қаламига мансублиги ҳақида маълумот берилган ва ушбу тадқиқот ёзилган давргача топилмаган асарлар рўйхати келтирилмоқда.

Ҳозирги давргача Замахшарий асарларининг тўлиқ рўйхати ниҳоясига етмаган. Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Замахшарийнинг ўзи ёки замондошлари ва издошлари алломанинг асарлари тўлиқ рўйхатини шакллантирмаганлар. Замахшарийга замондош Ёқут Ҳамавий алломанинг 50 асари ҳақида маълумот берар экан, рўйхатни: “Бундан бошқалари ҳам бор”, деб тугади. Маҳмуд Замахшарийнинг мунтазам котиби, библиографи бўлмагани сабаб, унинг асарларини тўлиқ қамраб олиш доимий муаммо бўлган.

Аллома кўплаб сафарлар уюштирган. Асарларини бир жойда муқим ёзган эмас. Масалан, “Атвоқ аз-заҳаб” асаридаги 100 насихатнинг ҳар бирини Каъбани тавоф қилиб ёзгани ҳақида маълумотлар учрайди. Бу ҳолат Замахшарий ҳаётлигидаёқ унинг асарлари дунё бўйлаб тарқалиб кетишига омил бўлган.

Замахшарий даврида нашр ва матбаа ишлари тараққий этмаган. Унинг асарларини бир жойга жамлаш маҳол эди.

Алломанинг айрим асарлари шогирдлари томонидан ёзиб олинган ва нақл қилинган. Уларнинг дунёнинг турли нуқталаридан келгани ҳисобга олиниши Замахшарий асарларининг оламга ёйилиб кетишига омил бўлади.

ХУЛОСА

Хоразмшоҳлар давлати мўғуллар томонидан истеъло қилиниши ва ундан кейинга даврларда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳам Замахшарий асарларининг дунё кутубхоналари ва қўлёзма фондлари бўйлаб ёйилиб кетишининг омил сифатида кўрилади.

Маҳмуд Замахшарий Хоразм фаҳри бўлиши билан бирга дунё устози сифатида улуғланади. Шогирдлари ва издошлари олам бўйлаб ёйилган алломанинг асарларига, уларни қўлга киритишга бўлган кизиқиш асрлар давомида сўнмаган. Бу ҳам алломанинг асарларини олам бўйлаб ёйилиб кетишига омил бўлган.

Замахшарий асарлари араб тилининг энг юқори даражасидаги балоғат ва фасоҳат билан ёзилган. Асарлари қўлёзмаларини тадқиқ этиш жуда катта салоҳият ва меҳнат талаб қилади. Шу сабаб, дунё қўлёзма фондларида сақланаётган айрим асарларини топиш ва нашр қилиш ишлари охирига етгани йўқ.

Замахшарий асарларининг номланиши борасида ҳам қарама-қарши фикрлар мавжуд. Қўлёзманинг номланмагани ёки манбалардаги рўйхатдан бошқа ном билан сақлангани аллома

асарларини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар тўхтамаганига сабабдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён ва анбо абно аз-замон. – Байрут: Дори Садр, 1968. – Ж. 5.
2. Ислон энциклопедияси. – Истанбул: Турк Диёнат Вақфи нашриёти, 2013.
3. Абулқосим Маҳмуд Ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар / Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Тошкент: Камалак, 1992.
4. Маҳмуд Замахшарий. Иъжоз сураат ал-Кавсар / Нашрга тайёрловчи Ҳомид ал-Хаффоф. – Байрут: Дор ал-балоға, 1991.
5. Гомидий И. Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг “Шарҳ ал-фасих” асари. – Макка: Уммул-Қуро университети, 1996.
6. Ал-Хуфий А.М. Аз-Замахшарий. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1966.
7. Маҳмуд Замахшарий. Руусул-масоил ал-хилофия байна ал-ҳанафия ваш-шофия / Нашрга тайёрловчи Абдулла Назир Аҳмад. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исломия, 1987.
8. Schmidtke S. A Mutazilite creed of az-Zamahshari = al-Minhâg fi usûl ad-dîn / ed. and transl. by Deutsche Morgenländische Gesellschaft. – Stuttgart: Steiner, 1997.
9. Ислотов З.М., Саиджалолов С.С. Маҳмуд Замахшарий ва фикр илми. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011.
10. Абҳарий, К.Ж. Аз-Замахшарий сийратуҳу, осоруху, мазҳабуху ан-наҳвий. – Амман: Дор ал-жинон лин-нашри ват-тавзий, 2014.
11. Буниятов З.М. Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлати. – Баку: Элм, 1999.
12. Маҳмуд Замахшарий. Ал-Муҳожот бил-масоил ан-наҳвия / Нашрга тайёрловчи Б.Б.Ҳасаний. – Бағдод: Ироқ фанлар академияси, 1973.
13. Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-мудийя фий табақот ал-ҳанафия. – Қоҳира: Дор ал-ҳижр, 1993.
14. Абдулҳай Лакнавий. Абулқосим Жоруллоҳ аз-Замахшарий. Ал-Жавоҳир ал-мудийя фий табақот ал-ҳанафия. – Байрут: Дор илм, 1998. – Б. 209-210.
15. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб. – Қоҳира: Рисола, 1980.
16. Ҳасаний Б.Б. Рисолатон ли-з-Замахшарий. – Бағдод: Ироқ фанлар академияси журнали, 1967. – Б. 15, 87-129.
17. Ҳожи Халифа. (2010). Ал-Имом ал-Аллома Жоруллоҳ аз-Замахшарий. Ҳожи Халифа, Силм ал-вусул ила табақот ал-фухул. – Истанбул: Евромат. IRCICA. – Б. 314-315.